

FUNDAMENTAL TADQIQOTLAR JURNALI

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

ТУРСУНОВ Бекзот Яндашевич

“University of Business and Science”

«Ижтимоий фанлар» кафедраси камта ўқитувчиси,

тарих фанлари номзоди

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15478405>

ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА ҲАРБИЙ МАНСАБЛАР ВА УЛАР ЭГАЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Қўқон хонлигида мавжуд бўлган турли даражадаги ҳарбий амалдорлар, давлат томонидан улар зиммасига юклатилган вазифалар хусусида сўз юритилади. Шунингдек, ҳарбийларни тайёрлаш тартиби, бу соҳада амалга оширилган ибратли ишлар, ютуқлар ва камчиликлар ёритиб берилган.

Хонликда ҳарбий офицерлар тайёрлаш учун ўрта махсус ва олий таълим муассасалари мавжуд бўлмаганлиги, ушбу соҳанинг ўша давр ривожланган давлатларидан ортда қолганлиги, ҳамда бу ҳолат хонлик мудофаа тизимида салбий таъсир кўрсатганлиги баён қилинган.

Калит сўзлар: Қўқон хонлиги, ҳарбий мансаб ва унвонлар, мингбоши, амирлашкар, кушбеги, ботирбоши, волий (ноиб), қалъабон, кўрбоши, ёвар, тўпчибоши, тўқсоба, понсодбоши, юзбоши, элликбоши, даҳбоши, қоровулбеги, аскар, сарбоз, навкар, мерган, маҳрам, ботур, жазоилчи, тўпчи, кўрчи, қоровул.

ВОЕННЫЕ ДОЛЖНОСТИ И ИХ ОБЯЗАННОСТИ В КОКАНДСКОМ ХАНСТВЕ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются различные военные должности в Кокандском ханстве и обязанности, возложенные на их представителей государством. Также освещены порядок подготовки военных кадров, примеры успешных действий, достижения и недостатки в этой области.

Указывается на отсутствие средних и высших учебных заведений для подготовки военных офицеров в ханстве, отставание этой сферы от более развитых государств того времени и влияние данной ситуации на оборонную систему ханства.

Ключевые слова: Кокандское ханство, военные должности и звания, мингбоши, амирлашкар, кушбеги, ботирбоши, волий (наиб), каллабон, кёрбоши, ёвар, тўпчибоши, тўқсоба, понсодбоши, юзбоши, элликбоши, даҳбоши, қоровулбеги, аскар, солдат, навкар, мерган, маҳрам, ботур, жазаильчи, тўпчи, кёрчи, қоровул.

MILITARY POSITIONS AND THEIR RESPONSIBILITIES IN THE KOKAND KHANATE

ANNOTATION

This article discusses the various ranks of military officials in the Kokand Khanate and the responsibilities assigned to them by the state. It also covers the process of military training, the exemplary actions, achievements, and shortcomings in this field. The article highlights the lack of secondary and higher educational institutions for training military officers in the Khanate, the underdevelopment of this sector compared to other states of that era, and how this situation negatively impacted the defense system of the Khanate.

Key Words: Khokand Khanate, military ranks and titles, Mingbashi, Amir Lashkar, Kushbagi, Botirboshi, Wali (Deputy), Qallabon, Qorbashi, Yovar, Topchiboshi, Tuksoba, Ponsodboshi, Yuzboshi, Ellikboshi, Dahboshi, Khorulbagi, Askar, Soldier, Navkar, Mergan, Mahram, Botur, Jazoilchi, Topchi, Korchi, Khorul.

Давлатчилик тарихи нуқтаи назаридан ҳарбий иш давлатнинг ажралмас бўғини ҳисобланади. Ўрта Осиё тарихида ҳарбий соҳа доим ҳукмдорлар диққат марказида бўлган. Улар ўзларининг ички ва ташқи сиёсатларини амалга оширишда муҳим омил ҳисобланган ҳарбий кучларга таяниб иш кўрганлар. Асрлар давомида бу кучларни бошқаришнинг муайян тизими, унинг турли бўғинлари шаклланиб борган. Уларга мос равишда давлат ҳарбий кудратини сақлаш учун маъсул этилган шахсларга бериладиган мансаблар кўлами ҳам аниқланиб борган.

Асрлар давомида шаклланган бу тизим ўзининг асосий хусусиятларини XVIII-XIX аср биринчи ярмида ҳам сақлаб қолган. Буни Қўқон хонлигида тадқиқотга тортилган давр чегарасида мавжуд бўлган ҳарбий мансаблар ва улар эгалари вазифаларини таҳлил этиш орқали кузатиш мумкин. Гарчи, Қўқон хонлигидан олдинги даврларда Ўрта Осиёда, хусусан, Амир Темур давлатида мавжуд бўлган ҳарбий бошқарув соҳасидаги махсус девон бўлмаган бўлсада, турли тоифадаги ҳарбий амалдорлар бўлиб, давлат томонидан улар зиммасига юклатилган вазифалар аниқ тизимга солинган эди. Тарихий манбалар маълумотларига асосланган ҳолда Қўқон хонлигида уч тоифадаги - олий, ўрта, қуйи даражадаги ҳарбий мансаб ва унвонлар борлигини кузатиш мумкин.

Олий даражадаги ҳарбий мансаб ва унвонлар тоифасига - мингбоши, амирлашкар, кушбеги, ботирбоши, волий (ноиб), қалъабон, кўрбоши, ёвар, тўпчибоши, тўқсоба, понсодбошилар кирган.

Ўрта даражали мансаб ва унвонлар сирасига эса юзбоши, элликбоши, дахбоши, қоровулбегиларни киритиш мумкин.

Қуйи даражадаги ҳарбий мансаб ва унвонлар аскар, сарбоз, навкар, мерган, маҳрам, ботур, жазоилчи, тўпчи, кўрчи, қоровуллардан иборат эди. Бу мансаб ва унвонларга даъвогарлик қилувчи шахслар хон томонидан тайинланган. Тарихий манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, хонликдаги барча табақа ва уруғ вакиллари турли ҳарбий мансаб ва унвонларга эгалик қилишлари мумкин бўлган. Ҳ.Бобобековнинг қайд этишича, Қўқон хонлигида маъмурий ва ҳарбий мансабларнинг биринчи даражасидан то еттинчи даражасигача, асосан ўзбеклар вакиллари тайинланган [4, Б.43]. Олимнинг бу фикрлари ҳамма манбаларда ҳам ўз тасдиғини топмайди. Ёзма манбалар маълумотларининг кўрсатишича, хонликдаги энг юқори ҳарбий лавозим ҳисобланган мингбошилиқка XIX асрнинг 50-60 йилларида тожик Шоди, қирғиз Алиқули, Тошкент ҳокими этиб эса, келиб чиқиши кул бўлган Лашкарбекларбеги тайинланган эди.

Хонликдаги ҳарбий мансаб ва унвонларнинг энг юқориси мингбошилиқ ҳисобланган. Мингбоши - минг нафар аскарнинг бошлиғи. Маъмур сифатида у минг кишилиқ аскар берадиган мулкнинг ҳокими ҳисобланган.

Қўқон хонлигида у хондан кейинги иккинчи шахс эди. Тарихий манбалар маълумотларининг кўрсатишича, бу мансаб Қўқон хонлигида Олимхон даврида жорий этилган. Мингбоши зиммасига юклатилган вазифалар ҳақида Мулла Олим Маҳдум Ҳожи: «... бу мансаб военный министрлик қаторида бўлиб, ондин бошқа ҳукуматнинг ҳамма ишига муҳодаласи, чунончи хорижия, дохилия ишлариға томом дахли бўладур», [11, Б.104] - деб кўрсатади. Бундан кўриниб турибдики, мингбоши хондан кейинги чекланмаган ҳокимиятга эга шахс ҳисобланган.

Бухоро амирлигида бу вазифани қушбеги амалга оширган. Қўқон хонлигида мингбоши олий қўмондон вазифасини бажарган. Ҳарбий юришлар вақтида мингбошига амирлашкар унвони ҳам берилган ва хонликнинг ҳаракатдаги барча қўшини унга бўйсунган. Буни Қўқонда яшаган ва кўрган кечирганларини ёзиб қолдирган В.П.Наливкиннинг куйидаги маълумоти ҳам тасдиқлайди: «Қўқонда яшаган сарбоз ва тўпчилар фақат алоҳида вазифадаги ноиб, додхохнинг доимий тасарруфида бўлганлар. Уруш даврида ноиб, додхох ўз қисмига ҳаракатдаги қўшиннинг ҳамма сарбозларини қабул қилган, унга вақтинчалик бошчилик қилишни махсус тайинланган амирлашкар (бош қўмондон)га топширарди» [13, Б.209].

Ҳарбий ҳаракатлар вақтида қўшиннинг барча бўлинмалари бир лашкарбоши қўли остида бирлашганлиги Ҳакимхон ибн Саййид Маъсумхоннинг «Мунтахаб ут-таворих» асарида ҳам тасдиқланади. Муаррих: «Муҳаммад Алихон буларнинг сўзларини айни салоҳият билиб, ҳукм қилдиким «ҳар нимарсаким давлатхонадин анжом-аслаҳа тушса, ҳаммасини Ҳаққули мингбошига топширинглар» ва яна ҳукм қилдиким «ҳар нимарсаки бизга ҳамроҳ бўлиб қолса - хоҳ тунқатор ва хоҳ дастурхончи ва хоҳ шиғовул бўлсин, ҳар нимарсаки ғазот тараддудида ростлаб чиқибдур, булар ҳаммаси Ҳаққули мингбошиға тааллуқ бўлсин» - деб кайд этган [23, Б.153].

Қўқон хонлигини Султон Саййидхон (1863-1865) бошқарган даврда хонликнинг ижтимоий, сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутган моҳир ҳарбий қўмондон Аликули «амирлашкар» унвонини доимий равишда ўзида сақлаб турган [2, Б.68].

Мингбоши мансаби хонликда фақат бир кишига берилган. Қўқон хонлигида мингбоши амали Шералихон даврида юқори даражадаги вазифага айланиб кетган [6].

Мингбоши ҳарбий соҳадан ташқари сиёсий ва иқтисодий фаолиятда ҳам фаол иштирок этган. Буни куйидаги мисол орқали ҳам кузатиш мумкин. Тошкент ҳокими томонидан йиғилган ва хонлик хазинасига топшириладиган 80 минг тилла миқдоридаги закот солиғи понсадбоши ва юзбоши ҳамкорлигида Қўқон хонига жўнатишга ва мингбошига топширилиб, хонга мингбоши орқали маълум қилинган [14, Б.134].

Демак, хонликнинг иқтисодий ҳаёти ҳам маълум маънода мингбошининг назорати остида бўлган. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, мингбошилик лавозими уни эгаллаган шахсга катта сиёсий ҳуқуқлар ҳам берган. Мингбоши лавозимига эгалик қилган шахс, хонликдаги юқори мансабларга иложи борича уруғ-аймоқчилик анъаналарига мувофиқ ўзининг яқинларини тайинлашга ҳаракат қилган. Бу ҳолатни XIX аср ўрталарида Қўқон хонлиги бошқарув тизимида муҳим ўрин тутган Мусулмонқул мингбоши фаолияти орқали кузатиш мумкин. Келиб чиқиши асли қипчоқлардан бўлган Худоёрхоннинг қайнотаси ва унинг номидан давлатни бошқарган Мусулмонқул мингбоши лавозимини эгаллаб турган вақтида қипчоқлар турли мансабларга тайинланибгина қолмай, балки, қўшиннинг асосий қисми ҳам улардан ташкил топган эди [15].

Мингбошиликнинг уни эгаллаган шахсга берадиган чексиз имтиёзлари табиий равишда ушбу мансабни эгаллаш учун турли уруғлар ўртасида курашни келтириб чиқарар эди. Қўқон хонлигида мингбошилик мансабини эгаллаган шахс айрим ҳолларда хонликнинг тўлақонли ҳукмронига ҳам айланган. Бундай мингбошилар жумласига вояга етмаган Худоёрхонга оталиқлик қилган Мусулмонқул ва Султон Саидхонга (1863-1865) васийлик қилган Аликулини киритиш мумкин.

Уларнинг чексиз ҳокимиятга эга бўлганликлари, айрим ҳолларда эса ўз ҳуқуқларини суиистеъмол қилганликларини тарихий далиллар ҳам тасдиқлайди. Мусулмонқул олий ҳукмдор Худоёрхоннинг укаси Маллахонни ҳарбий саркардалар қаторида қолдиради ва 200 кишилиқ қорақалпоқлардан иборат ҳарбий бўлинмани унга топширган. Лекин, у Маллахон ҳуқуқларини чеклаб, унга ёрдамчи сифатида қипчоқлардан бўлган Жабборқули қипчоқни тайинлаган. Бўлинма эса амалда фақатгина Жабборқулининг буйруғига бўйсунган [12, 39]. 1863 йилга оид архив ҳужжатлари маълумотларининг тасдиқлашича, Алиқули мингбоши эса бу лавозимни эгаллагандан сўнг ўз хоҳиш ва иродаси билан барча шаҳар ва қалъалар ҳокимларини тайинлаган [19, Б.116].

Кўқон хонлиги ҳарбий мансаб ва унвонлар тизимида мингбошидан кейинги ўринни кушбеги лавозими эгаллар эди. Олий ҳарбий унвонлардан бири бўлган бу лавозим эгаси мингбошилиқ лавозимига даъвогарлик қилар эди. «Тарихи Туркистон» асари муаллифи олий ҳарбий мақомга эга бу мансаб баёнини қуйидагича изоҳлайди: «кушбегилик мансаби, бу мансабдаги одамлар доимо хон ҳузурида маслаҳатчи қаторида туруб ва ёки бирор катта шаҳарга ҳокими билистиклол насиб қиладур» [11, Б.104-105].

Кушбеги лавозимга тайинланган шахслар алоҳида вилоятга ҳокимлик қилиши ҳам мумкин бўлган. Бу шахслар уларга топширилган вилоятлар ҳарбий кучларига бош бўлган ҳолда, ўзларининг ихтиёридаги ҳудудлар муҳофазасига ҳам жавобгар эдилар. Шунингдек, бу лавозим Ш.Воҳидовнинг ёзишича, кўп ҳолларда ҳарбий юришлар ва жанг вақтида ҳам берилар эди [7].

Бухоро хонлигидан фарқли ўлароқ кушбеги лавозимига Кўқон хонлигида тўрт киши тайинланган. Кўпчилиқ ҳолларда кушбеги мансабини эгаллаган шахслар Тошкент вилоятининг ҳокими этиб тайинланганлар. Кўқон хонлигида иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан муҳим ўрин тутган ва хонликнинг шимолий сарҳадларида жойлашган мудофаа тизимининг асоси ҳисобланган Тошкентга ҳокимлик қилган кушбеги катта имкониятларга эга бўлган. Тошкент ҳокими этиб тайинланган кушбеги ҳарбий қудрат борасида бошқа вилоят ҳокимларидан устун турган. Тошкент ҳокимига айрим ҳолларда бекларбеги унвони ҳам берилган.

Бекларбеги унвони темурийлар даврида олий бош кўмондонга берилган [3, Б.27]. Кўқон хонлигида шундай унвонга Тошкент ҳокими Лашкар бекларбеги (1810-1812 ва 1813-1831) сазовор бўлган. Лашкар бекларбегининг ижтимоий келиб чиқиши қул бўлиб, у Кўқонга Читралидан келтирилган [1, 4].

Бекларбеги унвонига Қаноатшоҳ оталиқ ҳам муносиб топилганлиги ва бу унвон унга Маллахон томонидан берилганлиги ҳақида 1861 йилга оид архив ҳужжатлари ҳам мавжуд. Архив ҳужжатида бу ҳолат қуйидагича баён қилинади: «Русларни бошқа ҳудудларни босиб олишига имконият бермаслик ҳақидаги Қаноатшоҳ оталиқнинг ваъдасини хон Маллабек жуда илиқ кутиб олди унга бекларбеги унвони бериб, хонликдаги барча ҳарбий имкониятлардан фойдаланиш ҳуқуқи билан бир қаторда, нафақат ўзи ҳокимлик қилаётган Тошкент вилояти ҳамда Кўқон округига кирувчи бир неча қалъалар гарнизони ва ҳимоясини ҳам унга топширди» [18, Б.132].

Қаноатшоҳ оталиқ тожиклардан бўлиб, Кўқон хонлигида ҳарбий ва сиёсий арбоблардан бири эди. У 1846-47 йилларда Тошкент ҳокими Саримсоқхоннинг ўлиmidан сўнг Бухорога кетган. 1861-1862 йилларда у Кўқон қўшинининг Туркистон, Янгикўрғон, Жулек қалъаларига ҳужум қилган русларга қарши ҳаракатларига бошчилиқ қилган [5, Б.380].

Бошқа Ўрта Осиё хонликларида бу унвон эгалари зиммасига юклатилган вазифа бир оз ўзгачароқ эди. Жумладан, Хива хонлигида Кўқондагидан фарқли равишда бекларбеги қорақалпоқ ва бошқа кўчманчи халқларнинг оқсоқолларига бериладиган фахрий унвон ҳисобланган [9, Б.246].

Қўқон хонлиги ҳарбий тизимида муҳим ўрин тутган лавозимлардан бири - ботирбоши эди. Хонлик вилоятларида беш юз нафардан кўп аскарлар бўлинмаси - даста ёки тубга бошчилик қилувчи ботирбоши бўлиб, у вилоятдаги қўшин ишларига маъсул эди. Буни Тошкентга оид қўйидаги маълумот ҳам тасдиқлайди. Унга кўра Тошкент ҳокимининг иккита ўринбосари бўлиб, бири солиқларни йиғиш ва фуқаролик ишлари билан шуғулланган саркор бўлиб, иккинчиси қўшин ишларига бошчилик қилган ботирбоши эди [1, 10]. Ботирбоши қўшиннинг тайёргарлиги ва тартиб интизоми учун жавоб берган.

Юқорида таъкидланганидек, вилоятлардаги лашкар вилоят ҳокимига итоат этган. Ҳоким вилоятнинг ҳарбий ва маъмурий ишларига бошчилик қилган. Пойтахт ноиби эса, артиллерияга жавоб берган [2, Б.68]. Яъни, ҳаракатдаги қўшиннинг тўпи, унинг сақланиши ва манзилга етиб боришига маъсул ҳисобланган.

Қўқон хонлиги чегараларида жойлашган қалъа ва истехкомларга жавобгар қалъабон (кутвол) бўлиб, у шу туманларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти билан бирга, ҳарбий ишлари, чегарани муҳофаза қилиш масалаларига ҳам жавоб берар эди. Қалъаларнинг хонлик мудофаа тизимида тутган муҳим аҳамиятини назарда тутган ҳолда қалъабонлик вазифасига додхоҳ, кушбеги унвонига эга шахслар тайинланганлар. Марказий қалъаларга қалъабонлар ва кичик қалъа кўмондонлари хон томонидан тайинланган. Кичик қалъа кўмондонлари айрим ҳолларда вилоят ҳокимлари ва мингбошилар томонидан ҳам тайинланганлар. Оқмасжид қалъасининг қалъабони Ёқуббек Бадавлат (1848-1852) Нормухаммад кушбеги томонидан тайинланган бўлса, Янгиқўрғон қалъасининг қалъабони Қаландар ботир (1864) Амирлашкар Алиқули томонидан тайинланган [1, 5].

Қалъабонлар қўл остида бир неча ҳарбий лавозим эгалари фаолият кўрсатишган. Улардан бири - ҳарбий муҳандислар «сарханглар» бўлиб, бу шахслар қалъа мудофаа деворлари ҳамда уруш вақтида қўшиннинг мудофаа истехкоми куриш ишларига маъсул бўлганлар. Яна бир лавозим эгалари қатовуллар бўлиб, улар қалъанинг шикастланган жойларини қайта тиклаш ва таъмирлаш ишлари билан шуғулланганлар [21, Б.323].

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, қалъа комендантлари - қалъабон лавозимига додхоҳлар ҳам тайинланган. Додхоҳ XIX аср рус ҳарбийларининг полковник унвонига тўғри келган [22, Б.38].

Қўқон хонлиги ҳарбий тизимида қурол-аслаҳа ишлаб чиқариш ва уни сақлаш, керакли вақтда бўлинмаларга етказиб бериш масаласи билан шуғулланувчи кўрбоши лавозими ҳам мавжуд эди. Кўрбоши хон ва мингбошига бўйсуниб, кўрхона, милтиқхона, тўпхоналарга бошчилик қилган. У шунингдек, хом-ашё топиб келишдан тортиб, то тайёр ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнига жавобгар ҳисобланган [6, 8].

Қурол-аслаҳа омборининг бошлиғи сифатида жибачи ҳам эътироф этилади. Қурбошининг қурол-аслаҳа ишлаб чиқариш жараёнига бошчилик қилганини XIX аср Қўқон хонлари архиви ҳужжатлари ҳам тасдиқлайди. Бу ҳужжатларнинг XIX асрнинг 60 йилларига оид аксарият кўпчилигида Бахти Муҳаммад кўрбоши номи кўплаб учрайди. Ҳужжатларни ўрганиш устахоналардаги таъминотдан тортиб ишлаб чиқариш жараёнига айнан шу мансаб эгаси, яъни, кўрбоши бошчилик қилганини кўрсатади [16, Б.546].

Қўқон хонлиги ҳарбий мансаблар тизимида қўшиннинг турли бўлинмаларида муҳим ўрин тутган, маъсулияти жиҳатидан турлича бўлган мансаб ва лавозимлар мавжуд эди. Улар жумласига ёвар, хос соқчи, тўпчибоши, понсадбоши, юзбоши, элликбоши, ўнбоши, қоровулбеги, қози аскар, қози муфтий, қози раисларни киритиш мумкин. Улар хонлик ҳарбий тизимида ўзларига юклатилган вазифалар жиҳатидан турли ўринларни эгаллаганлар. Улардан бири ёвар бўлиб, амирлашкар шахсий дастасининг бошлиғи, қурол ясовчи устахоналарнинг сардори сифатида ҳам эътироф этилади. Унинг қўл остидаги даста одатда юз кишидан иборат бўлган. Баъзи адабиётларда ёвар Қўқон хонлигидаги юз кишилик тўпчилар бўлинмасининг бошлиғи сифатида кўрсатилади [16, Б.546].

Кўқон хонларининг шахсий соқчилари болаликдан тарбия қилиниб, уларга бошлик этиб ишончли шахслар тайинланган. Айрим ҳукмдорлар ўз шахсий соқчилари сонини кўпайтиришга интиланганлар. 1874 йилга оид архив манбаларининг бирида Худоёрхоннинг хос соқчилари болалигидан тарбия қилинган 400 аскардан иборат бўлиб, уларга хоннинг учта яқин одами бошчилик қилганлиги ва умумий назоратчиси этиб эса Насим қора тоға исмли шахс тайинланганлиги қайд этилган [17, Б.198].

Хоннинг хос соқчилари нафақат хон ва унинг оиласи балки айрим ҳолларда чет эллик элчилар хавфсизлигини таъминлаш учун ҳам маъсул эдилар. А.П.Федченко Кўқон хонлигида 1868-1871 йилларда бўлган вақтида унинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, хоннинг хос соқчилари кўйилганлиги ҳақида ёзган. Муаллиф бу шахслар зиммасига соқчилик вазифасидан ташқари жанг вақтида аскарларни руҳлантириш, чекинаётганларга бурч ҳақида эслатиб туриш вазифаси ҳам юклатилганлигини қайд этган [20, Б.38].

Хонлик қўшинида артиллерия қисми бошлиғи, унинг таъминоти ва жанговар хатти-ҳаракатлари учун жавобгар шахс-тўпчибоши бўлган. XIX асрнинг 50-60 йилларига келиб, замонавий уруш усулларида артиллерия салмоғи ошиб борган. Ушбу қурол турига эғалиги билан устун бўлган ташқи хавф - Россиянинг тажовузқорона ҳаракатлари Кўқон ҳукмдорларини артиллерияга бошчилик қилиш учун чет эллик ёлланма мутахассисларни тайинлаган ҳолатларни ҳам кузатиш мумкин.

Кўқон қўшини бошқарув тизимида унинг ҳар хил бўлинмаларига бошчилик қилган турли мансаб эгалари турганлар. Улардан бири тўқсоба бўлиб, у ўз туғига эга ҳарбий дастанинг бошлиғи ҳисобланган. Беш юз кишилик қўшинга - понсадбоши бошчилик қилган. Понсадбоши ва ундан юқори лавозимдаги ҳарбий мансабдорлар ўзларининг мирзоларига эга бўлишган. Понсад Кўқон хонлигида мавжуд бўлган мансаблар орасида 16-ўринда, ҳарбий унвонлар орасида эса мингбошидан кейинги ўринда турган.

XIX аср муаллифлари ва шу даврга оид архив ҳужжатлари маълумотлари кўрсатишича, Кўқон хонлиги қўшини беш юз ва ўз навбатида юзликка бўлинарди. Пиёдалар бошлиғи-сарбозбоши, тўпчиларники-тўпчибоши деб номланган. Олий ҳарбий бошлиқлар понсадбоши ва юзбошидан ташқари қўшин бошқарувчида элликбоши ва ўнбоши лавозими бўлиб, улар олий ҳарбий унвонлик (зобитлик) жумласига кирмас эдилар. Элликбоши ва ўнбоши лавозимларига оддий аскарлардан, ўзининг ботирлиги, жасорати ва топқирлиги билан ажралиб турадиганлар тайинланарди.

Понсадбоши ва юзбошиларнинг болалари, гарчи ҳарбий фаолиятларини оддий аскарликдан бошласаларда, келажакда оталарининг унвонларига эғалик қилишлари мумкин бўлган. Маълум бир маънода ҳарбий мансаблар ҳам меросий бўлиб, отадан ўғилга ўтган. Лекин, кўп ҳолларда бундай изчилликка риоя қилинмаган. Бундай юқори ҳарбий лавозимга эришиш учун аскарлар ўзгаларга ибрат бўладиган жасурлик ва топқирлик хислатларига ҳам эга бўлиши шарт эди.

Сатторхон Абдулғаффоров берган маълумотларга кўра, агар қўшин хон сиёсатига қарши бош кўтарса, понсадбошидан қуйи мансабдаги ҳарбийлар ўз ўринларида қолдирилганлар [20, Б.38].

Бу мансаблар ўрта даражали ҳисобланиб, унга юзбоши, элликбоши, ўнбошилар кирган. Дахбоши (ўнбоши) лавозими биринчи маротаба тарихий манбаларда Кўқон қўшини таркибида Олимхон даврида, Жиззах қамали вақтида (XIX аср бошлари) қўлланилганлиги таъкидланади [2, Б.69].

Кўқон хонлигида хон қароргоҳини тунда кўриқлаган соқчилар бошлиғи - қоровулбеги бўлган. Қоровулбеги вазифасига соқчи бўлинмаларини ўз ўрнига қўйиш ва назорат қилиш, зиндонни муҳофаза қилиш кирган. Бундай лавозим Ўрта Осиёнинг бошқа хонликларида ҳам мавжуд бўлган. Жумладан, Бухоро амирлигида бу вазифани дарбон бажарган. Дарбон амир ҳокимияти учун хавфли шахсларни тергов қилиш ишлари билан ҳам шуғулланган. Қушбеги билан дарбон ҳар қандай вазиятда ҳам аркни тарк этмасликлари шарт бўлган [3, Б.66].

Хонлик кўшинидаги ҳуқуқий масалалар билан қозиаскар шуғулланган. Қози - ҳукм чиқарувчи шахс бўлиб, қозилик лавозими илк маротаба халифа Умар (634-644) даврида жорий этилиб, айни шу даврдан бошлаб қози аскар лавозими ҳам жорий қилинган [8, Б.294].

Қозиаскар ҳарбий хизматдагиларнинг судьяси ҳисобланган. Хон сафарга чиққанда қози аскар унга ҳамроҳ бўлган ва ўз вазифаси доирасида хориждаги ишлар тўғрисида хонга шахсан маълумот берган [9, Б.276].

Кўшин қозиси бўлган қози - аскар олий ҳукмдор номидан муқаддас уруш «жиход» эълон қилган, қўлга киритилган ўлжани баҳолаган ва уни тўғри тақсимлашни назорат қилган. Қозиаскар лавозимига тайинланадиган шахсдан ҳарбий ҳуқуқни яхши билиш талаб қилинган. Мирзо Қаландар Мушриф Исфарангийннинг «Шоҳномаи Нусратпаён» асарида «...қози аскар кўшинда хизмат қилиб шариат қонун қоидалари, тартиблари устидан назорат қиларди. Бу амал ва лавозимга, албатта, ўқимишли ва саводи чиққан фикҳ - олим тайинланиши аниқ» [7, Б.16-17] - деб қайд этилади.

Ҳарбий ҳаракатлар вақтида кўшин бориб жойлашган ҳудуд қозиси ўз ваколатларини қози аскарга топширган. Лекин, бунинг учун XVIII аср муаллифи Мирза Бади Девоннинг кўрсатишича олий ҳукмдорнинг буйруғи керак бўлган [10, Б.93]. Қози аскар аскарлар орасидаги келишмовчиликларни ҳал қилувчи ҳарбий судья вазифасини бажариш билан бирга кўшиннинг маънавий қиёфасига ҳам жавобгар бўлган.

Ҳарбийлар тартиб-интизомни бузган ҳолларида уларга нисбатан қози аскар томонидан турли жазо чоралари, жумладан, дарра билан уриш жазоси қўлланилган.

Қозиаскарлар ўз навбатида малакатдаги судлов ишлари бўйича бош мансабдор - қозикалонга бўйсунганлар. Оғир жиноят қилган, яъни, қасддан одам ўлдирган ва ватанига хиёнат қилганликда айбланган аскарлар масаласи қозикалон томонидан кўрилган. Тегишли ҳолларда уларга нисбатан ўлим жазоси ҳам қўлланилган. Қозиаскардан ташқари кўшинда яна қозираис лавозими ҳам жорий қилинган бўлиб, у кўшин муфтийси берган фатвонинг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширган.

Хонлик кўшинида хизмат қилган ҳуқуқ ходимлари кўшин маънавияти, қонун ва тартибларга қаттиқ риоя этишда жавобгар бўлганлар. Зеро, кўшиндаги тартиб интизом ғалабининг гарови эди.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Қўқон хонлигидаги айрим маъмурий ва диний мансаб, унвонлар ҳарбий унвонларга аралашиб кетган. Буни куйидаги ҳолатдан ҳам кўриш мумкин. Нақиб (арабча сўздан олинган бўлиб, бошлиқ, етакчи, раис деган маъноларни билдиради) хўжа хоннинг яқин маслаҳатчиси бўлиб, у мадрасани тамомлаган ва пайғамбар авлодидан бўлиши керак эди. Расмий маросимларда у хоннинг сўл томонида биринчи ўринда турган. Шу билан бирга нақиб хўжанинг ўз навқарлари бўлиб, улар ҳарбий сафарларда қатнашганлар [3, Б.187].

Бу хонликдаги ҳарбий мансаблар маъмурий бошқарувдаги мансаблардан ажралмаганлигидан далолат беради.

Қўқон хонлигида ҳарбий бошқарув тизими кўп жиҳатдан Бухоро ва Хива хонликларидагига ўхшаш бўлсада, унинг ҳам ўзига хос жиҳатлари бўлган. Қушбеги, девонбеги, оталиқ, парвоначи, додхоҳ каби мансабларнинг мавқеи юқори бўлгани ҳолда, Қўқон хонлигида уларга нисбатан айрим ҳарбий лавозим эгаларининг, хусусан, мингбошининг ўрни юқори бўлган.

Бу ўринда шуни таъкидлаб ўтмоқ лозимки, Қўқон хонлигида бошқа Ўрта Осиё хонликлари каби ҳарбий бошқарувда марказлашган бошқарув тизими ўша давр ривожланган Европа давлатларидаги сингари йўлга қўйилмаган эди. Шундай бўлсада мансабдор шахслардан тортиб оддий аскаргача, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш учун бирдек хизмат қилганлар.

REFERENCES. ИҚТИБОСЛАР. СНОСКИ.

1. Бейсембиев Т. К. Высшая администрация юга Казахстана в период Кокандского ханства // Из истории Средней Азии и Восточного Туркестана в XV – XIX вв. -Тошкент. «Наука». 1987.
2. Бейсембиев Т. К. «Тарихи Шахрухи» как исторический источник. Алма Ата. Наука. 1987.
3. Бекмухаммедов Х. Ю. Тарих терминларининг изохли луғати. - Тошкент.: «Фан». 1986.
4. Бобобеков Х. Қўқон тарихи. -Тошкент.: «Фан». 1990.
5. Валихонов Ч.Ч. Записка о Кокандском ханстве / Собрание сочинений в пяти томах. Т.3. - Алма-Ата.: «Наука». 1985.
6. Воҳидов Ш. Ш. Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигидаги унвон ва мансаблар. - Тошкент., 1996.
7. Воҳидов Ш. Ш. Қўқон тарихчилари: Фазлий ва Мушриф. - Тошкент., 1996.
8. Ислам. Энциклопедический словарь. - М., 1991. - С. 125; Ислам. Энциклопедия: - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003.
9. Йўлдошев М. И. Хива хонлигида феодал ер эғалиги ва давлат тузилиши. - Тошкент.: «Фан». 1959.
10. Мирза Бади Дивон. Мажма ал-аркам / Введение, перевод, примечания и приложения. А. Б. Вильдановой. Москва.: «Наука», 1981.
11. Мулла Олим Махдум Ҳожи. Тарихи Туркистон. -Қарши.: «Насаф». 1992.
12. Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства. - Тошкент.: «Фан». 1973.
13. Наливкин В.П. Краткая история Кокандского ханства. -Казань. 1886.
14. Показания сибирских казаков Милюшина и Батарышкина, бывших в плену у коканцев с 1849 по 1852 год // Туркестанский сборник. Т. 384. - Спб., 1883.
15. Султон Нуркен. Очерк истории Коканда. С 1841 по 1864 гг. // Туркестанские ведомости. - 1872. - № 5.
16. Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов. -Москва.: «Наука». 1969.
17. ЎзМА, И-715- йиғма жилд, 1-рўйхат, 60-иш, 198-варақ.
18. ЎзМА, И-715-йиғма жилд, 1-рўйхат, 25-иш, 132-варақ.
19. ЎзМА, И-715-йиғма жилд, 1-рўйхат, 26^а-иш, 116-варақ.
20. Федченко А.П. Путешествие в Туркестан. -Спб. Москва. 1875.
21. Хоразм тарихи. - Урганч, 1997.
22. Хорошхин А. П. Сборник статей, касающихся до Туркестанского края // Туркестанский сборник. Т. 116. - 1876.
23. Ҳакимхон ибн Саййид Маъсумхон. Мунтахаб ут-таворих. ЎзР ФАШИ қ.ф. №594.